



ОЛАМДА
БУГУН...

2-3



Аввалбошда
ваъдалар эди
қоп-қоп...

3



2023-yil
15-aprel
shanba
№ 47 (4799)

Ishonch

Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan



Алишер ИСРОИЛОВ (ўз.) олган сурат.

Самарқандда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ташқи ишлар вазирлари кенгашининг навбатдаги мажлиси ўтказилди.

Касаба уюшма аралашгач...



Наманган вилояти

Чортоқ тумани тиббиёт бirlашмасига қарашли тез тиббий ёрдам бўлимида навбатчи врач бўлиб ишлаб келган Сожида Мирзажоновна хизмат вазифасини ўтаётган пайтда автохалокатга учраб, оғир тан жароҳати олган. Оқибатда у вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотган.

«ТЕЗ ЁРДАМ» шифокорига тез ёрдам

Иш берувчи эса ушбу ходимга берилиши зарур бўлган зарар пулларини қопламаган. Ҳуқуқлари бузилган шифокор Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилояти кенгашига мурожаат қилган.

Бу мурожаат Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Наманган вилояти бўйича меҳнат-техник инспектори томонидан ўрганиб чиқилди.

— Меҳнат кодексининг 291-моддасига кўра, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ёки касб касалиги натижасида вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик ҳолати юз берса, иш берувчи ходимга вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақасини тўлаши шарт, — дейди меҳнат-техник инспектори Садриддин Ғойибов. — Шунингдек, тиббий, ижтимоий ва касбий реабилитация харажатлари ўрни ходимнинг ўзи қилган харажатлардан кам бўлмаган миқдорда қоплаб берилиши лозим.

Ушбу қонбузилиш ҳолатини бартараф этиш тўғрисида иш берувчига меҳнат-техник инспектори тегишли тартибда ёзма курсатма киритди. Натижада иш берувчи томон, яъни Республика тез тиббий ёрдам маркази Наманган филиали томонидан Сожида Мирзажоновнага жорий йилнинг январь-февраль ойлари учун жами 5 миллион 20 минг сўм миқдорда зарар пуллари тўлаб берилди. Шунингдек, ойма-ой 2 миллион 508 минг 695 сўм миқдордаги зарар пуллари тўлаб берилиши йўлга қўйилди.

Орзуғул
РУСТАМОВА
«ISHONCH»



Навоий вилояти

Миробларга қўшимча ҳақ тўланмаган эди

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Навоий вилояти кенгаши икки нафар мурожаатчининг манфаатларини ёқлаб, фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судига тақдимнома киритди. Судлов жараёнида вилоят кенгаши ҳуқуқшуноси Тоштемир Тойлоқов вакил сифатида қатнашди.

Хўш, аслида иш берувчи ва ходимлар ўртасида нима бўлган эди? Гап шундаки, карманлик фуқаролар Жуманиёз Урозов ва Комилжон Отаниёзов бир неча йиллар давомида Навоий вилояти сув омборлари ва йирик гидротехника иншоотларидан фойдаланиш бошқармасининг «Кўксарой» сув омборида асосий ходим сифатида ишлаб келишган. Кор-

хона раҳбарининг топшириғи билан ҳар иккаласи «Кўксарой» сув омборида белгиланган иш вақтидан кўпроқ меҳнат қилишга жалб этилган. Аммо уларга ортиқча ишлаган даври учун йиллар давомида меҳнат ҳақи тўланмаган. Охир-оқибат даъвогарлар Федерациянинг Навоий вилояти кенгашига мурожаат қилишга мажбур бўлишган.

Фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро суди томонидан Жуманиёз Урозов билан Комилжон Отаниёзов фойдасига ҳал қилув қарори чиқарилди. Шунга кўра, жавобгар Навоий вилояти сув омборлари ва йирик гидротехника иншоотларидан фойдаланиш бошқармаси ҳисобидан Жуманиёз Урозов фойдасига ортиқча меҳнат қилган соатлари учун 31 миллион 635 минг 168 сўм меҳнат ҳақи, икки миллион сўм миқдорда маънавий зарар ундирилди. Шунингдек, Комилжон Отаниёзовга ҳам қўшимча иш соатлари учун 34 миллион 513 минг 519 сўмлик меҳнат ҳақи

ҳамда икки миллион сўм маънавий зарар ундирилди.

Нормурод МУСОМОВ
«ISHONCH»



Фарғона вилояти

АССОСИЗ БЕРИЛГАН «ҲАЙФСАН»

Буйруқ бекор қилиниб, ходим ишга тикланди

«Unitel» масъулияти чекланган жамиятининг Фарғона шаҳар Шарқий ҳудудий филиали корпоратив бизнесни ривожлантириш бўлими бошлиғи вазифасида ишлаб келган Дилшод Раҳмонов Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгашига мурожаат қилиб, меҳнат оид бузилган ҳуқуқларини тиклашда амалий ёрдам сўради.

Арзномада айтилишича, Д.Раҳмоновга «Unitel» МЧЖнинг 2022 йил 20 декабрдаги №760-к-сонли, 2023 йил 13 январдаги №25-к-сонли, 23 январдаги №46-к-сонли буйруқлари билан «ҳайфсан» интизомий жазо чораси қўлланилди ҳамда у 2023 йил 2 февралдаги №107/23-лс-сонли меҳнат шартномаси бекор қилиниши ҳақидаги буй-

руқ билан ишдан бўшатилади.

Мурожаат Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши мутахассислари томонидан ўрганиб чиқилганда, юқоридаги буйруқлар ваколати бўлмаган ходим томонидан имзоланган маълум бўлди.

Шу сабабга кўра, юқоридаги буйруқлар Меҳнат кодексининг 182-моддаси талабига зид равишда қабул қилинган бўлиб, «ҳайфсан» интизомий жазо чораси асоссиз берилгани исботини топди.

Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона

туманлараро суди томонидан «Unitel» МЧЖнинг «ҳайфсан» интизомий жазо чораси қўллаш, меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида қабул қилинган буйруқлари бекор қилинди.

Касаба уюшмаларининг аралашуви билан Дилшод Раҳмонов ўз ишига тикланиб, унга мажбурий бекор юрган кунлари ва маънавий зарар учун 44 миллион 800 минг сўм иш ҳақи ундириб берилди.

Авазхон ТўРАХУҲАЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши бош юрисконсулти

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI REFERENDUMI 2023

ЭЛ САЛОМАТЛИГИ –
ЮРТ БОЙЛИГИ

Сўнгги йилларда юртимизда соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштиришга, соҳа ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга, даволашнинг замонавий технологиялари ва усулларини кенг жорий этишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Президентимиз ўтган йили тиббиёт вакиллари билан бўлган учрашувда миллий соғлиқни сақлаш тизими аҳоли саломатлигини сифат жиҳатидан яхшилашга хизмат қиладиган замонавий соҳага айланиши, бу Конституциямизда ҳам қайд этилиши зарурлигини, унда белгилаб қўйилган кафолатли тиббий ёрдам турларидан Ўзбекистон фуқаролари бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлишлари лозимлигини ўқтирганди.

Бу тақлифлар янги Конституциямизнинг 48-моддасида куйдигача талқинда ўз ифодасини топди: «Ҳар ким соғлиқини сақлаш ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини қонунда белгиланган тартибда давлат ҳисобидан олишга ҳақли. Давлат соғлиқни сақлаш тизимини, унинг давлат ва нодавлат шакллари, тиббий сурғатнинг ҳар хил турларини ривожлантириш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш чораларини кўради.

Давлат жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун шарт-шароитлар яратади.

Ушбу масалаларнинг Конституцияга норма сифатида киритилиши мамлакатимизда аҳоли саломатлиги миллий манфаатларимизнинг муҳим таркибий қисми эканлигини билдиради. Шунингдек, давлат ўз фуқароларининг моддий аҳволидан қатъи назар, кафолатланган бепул тиббий ёрдам билан қамраб олинишини таъминлашни англади. Кафолатланган тиббий ёрдамга оид норманинг белгиланиши аҳоли, оналар ва болалар ўлими, юқумли касалликлар таҳдидини бартараф этишда муҳим аҳамият касб этади.

Бош ҳуқуқий қомусимизга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг барчаси мамлакатимизда инсон қадрини улуғланаётганидан далолат беради ва ҳамюртларимиз қалбидан она-Ватанга муҳаббат, эртанги кунга ишонч туйғулари янада кучайиши учун мустақкам замин яратади.

Мелитожи ЯКУБОВ,

Соғлиқни сақлаш ходимлари
касаба уюшмаси Жиззах вилояти
кенгаши раиси



Тошкент вилояти

ҲУҚУҚЛАРИМИЗ АНИҚ БЕЛГИЛАНГАН



Бўстонлиқ туманидаги «Севарсой» санаторийсида Конституциядаги ўзгаришларга бағишланган тадбир ташкил этилди.

Йўғилишда Адлия вазирлиги масъул ходими Авазбек Мадаминов Конституцияга киритилаётган қўшимчалар тўғрисида санаторий ишчи-ҳодимларини яқиндан таништирди. Қайд этилганидек, янгиланаётган Бош ҳуқуқий Қомусда фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқлари кенг қамралган, жумладан, инсоннинг таълим олиш, даволашни ва уй-жойли бўлиш ҳуқуқлари аниқ белгиланган.

Тадбирда «Бўстонлиқ овози» газетаси бош муҳаррири Абдусалик Қўшбаев янгиланаётган Конституция Янги Ўзбекистонни бунёд этишнинг ҳуқуқий асосларига тамал тоши бўлаётгани таъкидлади. Шунингдек, «Чимён» МФЙ раиси Арман Тошматов янгиланаётган Конституциянинг қабул қилиниши мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг давоми эканини айтиб, ҳар бир иштирокчини референдумда фаол қатнашишга чорлади.

Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА
«ISHONCH»

www.ishonch.uz

ishonch1991@yandex.uz

https://www.facebook.com/
ishonch.gazetasi

https://t.me/ishonchgz



Қашқадарь вилояти

русумдаги тикув машинаси берилди. Ҳозирда Сабина хунари ортидан рўзгор тебратаяпти. Лобар Эрнзарова беш нафар фарзанднинг онаси, турмуш ўртоғи вафот этган. Уч боласи вояга етмаган. Лобар ҳам ўкув курсини тамомлади, тикув машинаси бўлди. Сунгра Косон туманидаги «Бунёдкортекстиль» корхонасига ишга кирди.

Дилфуза Тўраевнинг фарзанди ногирон. Касбга ўқитилган она-боланинг ҳаётига мазмун кирди. Эндиликда уларнинг бири кўрпача қавияпти, иккинчиси аёллар либосини тикияпти.

Дилбар Турсунова яримжон, бир буйраги қуриган. Турмуш ўртоғи оғир ишга ярамайди. Бу ёқда тўрт бола ейман-ичаман, деб турибди. Ночорлик ва беморлик туйфайли катта оила бир хонали уйда тикилишиб яшаб келаётган эди. «Аёллар дафтари» шарофати, ҳомилар кўмагида бу оилага имконали уй қуриб берилди.

Маҳалланинг хотин-қизлар фаоли Мушарраф Холиқова ҳам турмушнинг аччиқ таъмини тотганлардан. Эри Ватан сарҳадларини қўриқлаётганда – хизмат

«Аёллар дафтари»ни варақлаганда...

Ҳаётхоннинг ҳаётига мазмун кирди

Тошлоқ туманидаги «Терактаги» маҳалласида яшовчи Ҳаётхон Холматова ишсизлиги сабаб «Аёллар дафтари»га киритилган эди.

Куни кеча мана шундай ишсиз хотин-қизларнинг 130 нафарига субсидия асосида тикув машиналари тарқатилди.

– Ишчи гуруҳнинг ташрифи мушкулмни осон қилди, – дейди Ҳаётхон Холматова. – Мулоқот асноси тикишдан хабарим борлигини айтгандим. Барака топишсин, орзуларим ушалишига кўмаклашишди. Утган йили терактагилик Рўзихон Мўминова ҳам «Аёллар дафтари»га киритилган эди. Унга ҳаётини ўнглаб олиши, доимий даромадга эга бўлиши учун субсидия асосида тикув машинаси берилганди.

– Тикув машинасини олиб, ишларим юришиб кетди. Буюртмалар олиб ёстиқ, кўрпа-тўшак қопламалари, аёллар ва болалар кийимини тика бошладим. Топиш-тутишимиз чакки эмас.

Айни пайтда Тошлоқ туманида «Аёллар дафтари»га олинган хотин-қизларга тоифалар бўйича амалий ёрдам бериш ишлари давом этмоқда.

Жамшид ЭРҒАШЕВ «ISHONCH»



фарзандни ёлғиз тарбиялаётган Гулзебо Нормейлиевага ҳам берилди.

Мунаввар Миркомиллова болалари билан ижарада яшайди. Аёл ҳамшира эди. У худуддаги оилавий шифокорлик пунктига ишга жойлаштирилди.

Тумандаги «Янги Майманок» маҳалласи хотин-қизлари ҳаётига ҳам «Аёллар дафтари»нинг таъсири сезилапти. Масалан, Юлдаз Умирова-нинг ногирон фарзанди дастлаб туман шифохонасида даволатилди. Сунгра онага нафақа тайинланди.

Малоҳат Абдуқурованинг турмуш ўртоғи ётиб қолган. Кўп вақти эрига қараш билан ўтгани сабаб бирор жойда ишломасди. Унга боқувчилик нафақаси тайинланди.

Ногирон фарзанд тарбиялаётган Гулором Чориева, Собира Назарова, Фотиما Ҳамроева сингари жафокаш оналарга «Аёллар дафтари»нинг унчинчи босқичида ёрдам кўрсатилган эди. Ижтимоий ҳолати ҳисобга олиниб, улар тўртинчи босқичида ҳам рўйхатдан жой олди ва зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Ақмал АБДИЕВ «ISHONCH»

Олқиш олиш осон эмас

Касби туманининг «Шакаржўй» маҳалласида яшовчи Гўзал Узоқованинг бошига оғир қулфат тушди. Содир бўлган мудҳиш автоҳалокат оқибатида норасида боласидан ажралди. Ўзи ногирон бўлиб қолди. Афсуски, автоҳалокатга эри айбдор, ичиб олиб рулга ўтирганди. Шу сабаб қамалиб кетди. Онаизорнинг кўзига дунё қоронғу тортиди. Хаёлига келган турли ўйлардан чиройи очилмас, кундан-кун сўниб борарди.



лар келишига ишонтирди. Турмуш ўртоғи жазо муддатини ўтаётгани боис, Гўзал Узоқова «Аёллар дафтари»нинг тўртинчи босқичига ҳам киритилди.

Шу маҳалла фуқароси Сабина Шарипованинг уч фарзанди бор. Икки нафари ногирон. Эри ишламайди. Аёл тикувчиликка ўқитилди ва унга сўнгги

вақтида ҳалок бўлган. Аёл уч боласи билан бева қолди. Аммо Мушарраф ҳаёт давом этаверишини ва бунинг учун курашиш лозимлигини англаб етди. Курашди, тобланди. У ёлғиз, қийналган хотин-қизларнинг ҳолатини яхши тушунади, улар билан суҳбатлашиб, дардини аритишга, уларни ёруғ кунлар учун интилишга руҳлантиради.

– Айни пайтда «Аёллар дафтари»нинг тўртинчи босқичи давом этмоқда, – дейди хотин-қизлар фаоли. – Аёлларнинг тақдирини ҳар хил. Масалан, Наргиза Турсунова маҳалламизга Тожикистондан келин бўлиб тушган. Турмуш ўртоғи вафот этган бу аёл билан суҳбатлашиб, унинг ичи тўла дард эканини билдик. Паспорти йўқлиги учун Тожикистонга, ота-онаси олдига ҳам бора олмаётган экан. Унга вақтинчалик паспорт берилди. Шундан сўнг яқинларини кўриб келди.

Жорий йилда Касби туманида йирик текстиль фабрикаси ишга туширилади. «Аёллар дафтари»нинг тўртинчи босқичида 96 нафар ишсиз хотин-қиз рўйхатга олинган. Улардан аксариятини шу фабрикага жойлаштирмоқчимиз...

Энди тумандаги «Назартепа»



Бухоро вилояти

«...Узоқ йиллар далада ишладим. Зах ва оғир меҳнат саломатлигимга пўтур етказди. Суюқ емирилиши ташхиси билан уч йил даволандим. Муолажалар наф бермади. Юролмай саккиз ой шифтга термулиб ётдим. Шукри, «Аёллар дафтари» дастури асосида кўмак таклиф этишгач, кўнглим ёришди. Сунъий бўғим қўйиш амалиёти учун маблағ ажратилди, операция муваффақиятли ўтди. Олти ойлардан кейин кўрмагандай бўлиб кетасиз, дейишяпти шифокорлар. Улардан миннатдорман».

Бу сўзлар муаллифи – Когон тумани Элпарвар қишлоғида истикомат қилаётган Зуҳра опа Жўраеванинг ҳозир аҳволи анча яхши.

«Аёллар дафтари» жамғармаси маблағлари кўмағида саломатлигини қайта тиклаган аёллардан яна бири Зубайда Мирфайзова суюқ емирилиши ташхиси билан операция столга ётиб ва муолажадан сўнг саломатлиги яхшиланди.

Бахтигул Раҳматова ҳам худди шундай касаллик ташхиси билан «Аёллар дафтари» дастури доирасида жарроҳлик амалиётини ўтказди. Ҳозирда тезроқ соғайиб, оёққа туришни интизорлик билан кутишяпти.

Шундай. «Аёллар дафтари» сабаб уларнинг дардига дармон изланыпти. Бу алоҳида мавзу. Суҳбат асосида ушбу дард сабаблари ҳақида ўйлаб қолдик.

Чиндан-да, кейинги вақтда қайсидир кўшнимиз, синфдошимиз, қариндошимиз суюқ емирилиш касаллигига чалингани, даволанаётгани ёки ҳассасага таяниб юргани ҳақидаги хабар-

ОСТЕОПОРОЗ – ХАВОТИРЛИ ХАСТАЛИК

Унинг олдини олиш учун нималарга эътибор қаратиш керак?

лар тез-тез қулоғимизга чалинмоқда. Бундай беморлар сони ортиб бораётганининг сабаби нимада?

Маълумотларга кўра, суюқ емирилиши – остеопороз касаллиги жаҳон миқёсида онкологик хасталиклардан сўнг тарқалиши бўйича иккинчи ўринда турар экан. Айниқса, бу касалликка кўпроқ аёллар чалинмоқда. Шунингдек, спиртли ичимликка ружу қўйганлар, чекувчиларда ҳам мазкур хасталikka мойиллик юқори бўлади. Юқумли касалликлар, эндокрин бузилишлар ҳамда бўғимлардаги туғма нуқсонлар, қон айланиши тизими издан чиқиши оқибати ҳам суюқ ҳажми каммайиши, юпқалашини, яъни емирилишга олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, камҳаракатлик суякларнинг мўртлашини кучайтиради.

Аслида бу жараён қандай содир бўлади? Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг травматолог-ортопед шифокори Маҳмуд Сафаровнинг айтишича, организмда доимий равишда кальций ионлари емирилиб, улар ўрнига янги кальций ионларининг алмашмиш жараёни юз беради. Мана шу мувозанат бузилса, емирилган кальций ионлари ўрнига янгилари келиб тушмаса ёки кам тушса суюқ зичлиги камаяди. Бу модданинг суякларга яхши сингмаслиги оқибатида остеопороз хасталиги келиб чиқади.

Хасталик, айниқса, ковид инфекцияси тарқалганидан сўнг аҳоли орасида кенг авж олди. Сабаби, юқумли касалликлар остеопорознинг кўзгатувчиси вазифасини бажаради. Бугунги

кунда Бухоро вилоятида суюқ емирилиши билан боғлиқ 200га яқин ҳолат қайд этилган. Беморларнинг аксариятида тизза бўғими ва сон чанок бўғимида остеопороз кузатилади. Улар сунъий бўғим қўйиш амалиёти орқали даволанмоқда.

Муҳими, бундай жарроҳлик амалиётини ўтказиш учун улар бир вақтлардагидек хорижий клиникаларга мурожаат қилмайдилар. Бир неча вилоятда бу амалиёт йўлга қўйилган. Киши суюқ емирилишига учрамаслик учун, аввало, соғлом турмуш тарзига қатъий риоя қилиши лозим. Шунингдек, Д витаминига бой маҳсулотлар истеъмолни кўпайтиришни маслаҳат берамиз. Сут ва сут маҳсулотлари, балиқ, жигар, сабзавот ва мевалар, ерёнғоқ, кунжут, бодом, ёнғоқ сингари маҳсулотларни мунтазам истеъмол қилиш организмни кальцийга тўйинтиради. Шунингдек, кўпроқ бадантарбия билан шуғулланиш, офтоб нуридан баҳра олиш ҳам касалликка қарши самарали восита бўлиб хизмат қилади.

Дилдора ИБРОҲИМОВА «ISHONCH»



Саломатлик

Хитой инкор қилади

Хитой Россияга Украинадаги уруш учун қурол-яроғ етказиб бермаётганини ва келажакда ҳам етказиб бермаслигини маълум қилди. Бу ҳақда Хитой ташқи ишлар вазири Цин Ган Германия ташқи ишлар вазири Анна-лена Бербок билан учрашувда айтиб ўтган.

Шунингдек, учрашувда Цин Ган Анна-лена Бербокнинг Хитойни Украинадаги урушни тугатиш учун Россияга ўз таъсиридан фойдаланишга қақриғи ҳақида батафсил маълумот бермади. У фақат Хитой тинчлик битимини истайди ва оловни кучайтирмайди, дея жавоб қайтарган.



Трамп яна сўроқ берди




АҚШ собиқ президенти Доналд Трамп 13 апрель куни Нью-Йоркда ўзига қўйилган айбловлардан бири бўйича яна сўроқ қилинди. У 250 миллион доллар миқдоридagi молиявий фирибгарликда айбланмоқда.

Нью-Йорк бош прокурори Летиша Жеймс Трамп ва унинг уч нафар фарзандини даромадли кредитлар ва солиқ имтиёзларини олиш учун ўнлаб йиллар давомида ўз мулкларини ҳақидаги маълумотни яшириб келганликда айблаган.

Молиявий фирибгарлик бўйича суд жараёни 2 октябрда бошланади. Трамп адвокатларидан бири Алина Хаббанинг айтишича, собиқ президент гувоҳлик беришга қарор қилган ва яширадиган ҳеч нарсаси йўқлигини қатъият билан таъкидлашда давом этмоқда.

Оламда

Туркия «Евро-2028» ва «Евро-2032»



Туркия футбол бўйича 2028 ва 2032 йилги Европа чемпионатини ўтказишга даъвогарлик қилади. Бу ҳақда Туркия футбол федерацияси УЕФАга расмий ариза топширган.

«Евро-2028» мезбонлигига туркияликлардан ташқари Буюк Британия – Ирландия ҳамкорлиги даъвогарлик қилаётган бўлса, «Евро-2032» мусобақасини ўтказиш учун Италия асосий номзод саналади.

«Евро-2028» ва «Евро-2032» учун айнан қайси мамлакатлар мезбонлик учун кураш олиб бориши ва номзод ҳисобланиши масаласида УЕФАнинг октябрь ойида ўтказиладиган Ижроия кўмитасида қарор қабул қилинади, дейилади хабарда.



Самарқанд вилояти

Кейинги пайтларда Пайариқ туманида 287 гектар майдонда томчилатиб суғориш ускуналари ўрнатилди. Улар дастлаб 13 та фермер хўжалиги далаларида синовдан ўтказилди. Аммо натижаси кўтилганидек бўлмади. Нега?

Аввалги мавсумларда рўй берган сув тақчиллигидан «Асадбек Эш» фермер хўжалиги энг кўп жабр кўрган. Шу боис 950 миллион сўмлик харажат (250 миллион сўми субсидия) эвазига унга қарашли 38 гектар пахта майдонида томчилатиб суғориш ускуналарининг жорий жабри ўрнатилди.

– Янгиликка кўл урганимизда бу технология камида уч йил самара бериши, ҳосилдорлик 45 центнергача кўтарилши айтилганди, – дейди фермер хўжалиги раҳбари Дилмурод Шернаев. – Аммо бутун бошли тузилма бир йилга зўра чидаб берди. Насолар ҳам, елим шланглар ҳам ишдан чиқди. Самардорлик кўтилганидек бўлмади. Тўғриси, ҳосилни аранг сақлаб қолдик. Айни пайтда экинларни эски анъанавий усулда суғораямиз. Фойдаимиз кредит ва банк фойзини тўлашга кетаяпти.

Тумандаги фермер хўжалиги раҳбарларининг кўпчилиги билан учрашиб, жорий этилган янги технологиялар ҳақида суҳбатлашдик. Ажабланир-

Аввалбошда ваъдалар эди қоп-қоп...

лиси, уларнинг

бирортасидан ижобий жавоб эшитмадик.

– 300 миллион сўмлик банк кредити эвазига 10 гектарлик пахтазорга томчилатиб суғориш ускунасини ўрнатдик, – деди исмини очиклашимизни истамаган фермер. – Бироқ ўзаларимиз икки қарч бўлганида ўсишдан қолиб, қотиб қола бошлади. Зудлик билан шлангларни йиғиштириб, эгат оралатиб сув тарадик. Шу тариқа ҳосилни асраб қолдик. Бошида қоп-

йўналиш бўйича бизга сабоқ беришлари шарт эди.

Хўш, бу борада соҳа мутахассисларининг фикрлари қандай?

Долзарб саволга аниқ жавоб олиш мақсадида Сув хўжалиги вазирлигининг Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги Пайариқ тумани ирригация бўлимида бўлдик.

– Томчилатиб суғориш тизими дунё амалиётида ҳам, мамлакатимизнинг қатор ҳудудларида ҳам ўзини оқлаб келмоқда, – дейди бўлим бошлиғи Маҳмуд Ибрагимов. – Борди-ю, ундан тўғри фойдаланилмаса, тайинли натижа бермайди. Бунинг учун, энг аввало, тупроқ таркиби чуқур таҳлил қилиниши лозим. Иккинчидан, бу амалиётни қўлловчи фермер олим-агроном даражасидаги билим ва тажрибага эга бўлиши керак. Биздаги фермерларнинг аксарияти эса бундай тажрибадан мутлақо

Таҳлил ва таажжуб



беҳабар.

Туман бўйича

янги техно-

логия ҳақида

етарли билим ва

малакага эга бўлган

ақалли битта мутахассисни топиш ҳам амримаҳол.

Ваҳоланки, ҳар бир фермерга ана шундай технолог зарур.

Суҳбатдошимизнинг айтишича, бу йил туманда 1400 гектар ерда ёмғирлатиб, 300 гектар ерда пульсар суғориш тизими амалиётга татбиқ этилиши керак. Лекин, бизнинг назаримизда, ҳозирча фермерлар бунга тайёр эмас. Модомики шундай экан, «ура-урачилик»га кўп ҳам берилмай, чуқурроқ ўйлаб кўриш тўғри бўлмасмикан?

Бизни масаланинг ана шу жиҳати чуқур ўйга толдирди.

Нурилла ШАМСИЕВ «ISHONCH»

УНДАЙ ТАЖРИБА-ДАН МУТЛАҚО БЕҲА-БАР ТУМАН БҮЙИЧА ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ ҲАҚИДА ЕТАРЛИ БИ-ЛИМ ВА МАЛАКАГА ЭГА БҮЛГАН АҚАЛЛИ БИТТА МУТАХАССИСНИ ТОПИШ ҲАМ АМРИМАҲОЛ. ВАҲО-ЛАНКИ, ҲАР БИР ФЕРМЕРГА АНА ШУН-ДАЙ ТЕХНОЛОГ ЗА-РУР.

қоп ваъдалар бериб, ускуналарни мақтаган фирмалар масъулари ишни битириб, пулни олгач, кўздан ғойиб бўлишди. Аслида улар бир йил давомида ушбу

Мулоҳаза учун мавзу

ТАЭКВАНДО БЕЛБОҒИ ҚАНЧА ТУРАДИ?



Ҳафтасига икки-уч марта ўтказилади-ган машғулотларга ота-оналар ойига 100 мингдан 500 минг сўмгача, агар охири русумдаги замонавий анжомлар билан жиҳозланган заллар бўлса, 1 миллион ва ундан зиёд ойлик бадал тўлашади. Республиканинг турли ҳудудларида ўтказиладиган мусобақаларга алоҳида пул йиғилади. Тўпланган маблағ совринлар, фахрий ёриқлар ва ҳакамлар ҳайъати аъзолари ва бошқа мақсадлар учун сарфланади. Узоқ сафарлар билан боғлиқ мусобақаларнинг харажатлари ҳам ота-оналар зиммасида.

Мамлакатимизда 71 та спорт Федерацияси мавжуд бўлиб, уларнинг қошида юзлаб тўғараклар очилган. Бундан ташқари, жойларда 279 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари фаолият кўрсатади. Шундай бўлса-да, болалар ва ўсмирларнинг атиги 40 фоизигина машғулотларда қатнашади. Сабаб...

Мамлакатимизда бюджетдан молиялаштирилмаган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари фаолият кўрсатади. Афсуски, уларда ҳам муаммолар мавжуд. Мураббийларнинг маоши камлигидан ихтиёр-мажбурий равишда болалардан пул йиғилади. Олис ҳудудларда ўтказиладиган мусобақаларда иштирок этиш майлику-я, аммо хориж сафарлари-чи? Буни ҳамма ота-онанинг чўнтаги кўтаравермайди.

– Уғлим тўрт йилдан бери туман болалар ва ўсмирлар спорт мактабига дзюдо бўйича шуғулланади. Ойига 100 минг сўмдан ойлик бадал тўлаймиз. Республика бўйлаб ўтказиладиган мусобақаларга пул сўралади. Халқаро мусобақага қатнашиш учун бир

ярим минг доллар сарфланиши айтилди. Афсуски, ўғлимни жўнатолмадим, – дейди қатор мусобақалар ғолибининг онаси Дурдона Қудратова.

Таэквандо бўйича ҳам бошқа спорт турларига ўхшаб, ҳафтасига 2-3 марта машғулотлар ўтказилади. Бу спорт турида белбоғлар маълум тизимдаги машқларни беҳато бажаришига қараб берилади. Масалан, фарзандингиз сариқ белбоққа талабгор. Олдиндан мураббий кўрсатмаси билан 200 минг сўм тўлайсиз. Белгиланган кун спортчилар тўланади, ўрганган машқларини ҳакамларга кўрсатишади. Уларнинг ибораси билан айтганда, иштирокчилар «аттестация» қилинади.

Белбоғларнинг даражаси кўтарилгани сайин «ставка» ҳам ошиб боради. Яшил белбоғ – 400 минг, ҳаво ранг белбоғ – 600 минг, қизил белбоғ – 1 миллион сўм. Энг юқори қора белбоғ учун спорчи 2-3 йил тинимсиз шуғуллиниши керак. Вақти келиб, бу белбоққа талабгорлар 1.600.000 сўмдан «воз кечишади».

Пул тўлаб, белбоғ олиш қай даражада тўғри? Бу ҳолатга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий, кураш бўйича мамлакат ва жаҳон чемпиони Аъзамжон Шокиржонов шундай муносабат билдирди:

– Ҳар бир спорт турида боланинг ёши, та-

жрибаси ва иқтидори ҳисобга олиниб, спорт устаси даражалари берилиши керак. Бу очик мусобақаларда исботланади, кўринади. Беллашув ва курашларсиз маълум суммани тўлаб, белбоғли бўлиш, бу – Федерация томонидан тижорат қилишнинг бир йўли, холос.


Номии сир тутилиши сўралган таэквандо мураббийси билан суҳбатда ҳам кўп нарса аён бўлди. Республиканинг турли ҳудудларида ўтказиладиган мусобақаларда қатнашиш учун йўлқирадан тортиб, еб-ичишгача бўлган барча сарф-харажатларни ота-оналар кўтаришади. Осий чемпионатларининг асосий харажатлари ҳам иштирокчиларнинг ота-оналари зиммасида. Жаҳон миқёсида ўтказиладиган нуфузли мусобақалар давлат томонидан қўллаб-қувватланади. Аммо уларнинг ҳам ҳаммаси эмас...

Энг қизиғи, спортчи ўз кучи ва маблағи эвазига олдин мамлакат, сўнгра жаҳон ареналарида ютуқларга эришгач, давлат ва жамият назарига тушиб, кейинги мусобақаларда қўллаб-қувватланган экан.

Хулоса шунки, ота-оналар чўнтагига қараб қолган спортнинг келажаги қай даражада порлоқ?

Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА «ISHONCH»

Ғожианинг сабоғи мўҳим!



ЎҚУВЧИ ҚИЗ НЕГА ЎЗ ЖОНИГА ҚАСД ҚИЛДИ?

АНА ШУНДАЙ ҚАЛТИС ДАМЛАРДА МАКТАБ МАЪМУРИЯТИ ВА ПРОФИЛАКТИКА НОЗИРИ ҚАНДАЙ ЙЎЛ ТУТАЁТГАНИГА БИР ЭЪТИБОР ҚАРАТИНГ

Хатирчи туманидаги «Лангар» маҳалла фуқаролар йиғинида мўҳиш ҳодиса содир бўлди. Ҳудудда жойлашган 58-умумтаълим мактабининг 11-синф ўқувчиси З.А. (муайян сабабларга кўра, исм-шарифини тўлиқ ёзмадик) ўз жонига қасд қилди. Энг ажабланирлиси, бу ноҳуш воқеа тўғрисидаги совуқ хабар ижтимоий тармоқларда сал олдинроқ тарқалган бўлса-да, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг Навоий вилояти бошқармаси анча кеч – 13 апрелда расмий муносабат билдирди.

Суриштирувимиз давомида аниқлашимизча, шу мактаб ўқитувчиси Муҳаддас Бобомирзаева 4 апрель куни дарс чоғида З.А.дан уйга берилган вазифа юзасидан жавоб беришини сўраган. Бироқ ўқувчи бошқа мавзу бўйича гапирга бошлаган.

Бундан жажли чиққан муаллима унинг юзига китоб билан урган. З.А. синфдошларидан уялиб йиғлаган ва устозидан урмасликини сўраган. Сўнгра ўқитувчининг ҳақоратларига чидалмай, синфхонадан чиқиб кетган.

Дарсдан сўнг 58-мактаб маъмурияти «Лангар» МФЙ профилактика нозири Одил Қурбоновга мурожаат қилиб, З.А. ҳамда унинг бир неча дугонасини тартибга чақириб қўйишини сўраган. З.А.нинг онаси Музаъям Ўринованинг айтишича, Одил Қурбонов қизини маҳалла идорасидаги хизмат хонасига чақириб, «Қилмишингга яраша жавоб беришинг керак. Сени қаматаман, ўқитувчига гап қайтариш қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман», деб дўқ-пўписа қилган.

Бу мождарлар 4 апрель куни бўлиб ўтади. Аммо профилактика нозири 5 апрелда З.А.нинг уйига бориб, ота-онаси олдида унга яна қаттиқ танбёх беради. Устига-устак, касалманд оила бошлиғига ҳам бақриб-чақиради. Эртаси куни эрталаб эса З.А.ни ўз машинасида мактабга олиб келади. Ана шу пайтда ўқувчи қиз мазаси қоцаётганини, уятга чидалмаганини туфайли ўзини ўлдиришга аҳд қилганини, шу ниятда катта нина ва бир талай таблетка ютганини айтиб, хушидан кетади. Уни зудлик билан касалхонага элтишади. Шифокорлар бояқиш қизнинг ошқозонидан қон босимини

туширадиган кўплаб миқдордаги таблеткалар қолдиғи ва битта катта нинани олиб ташлашади...

Биз ушбу воқеа юзасидан профилактика нозири Одил Қурбоновга мурожаат қилганимизда, у З.А.нинг дарсларга эътиборсизлигидан мактаб маъмурияти норози эканлигини таъкидлади. Энг ажабланирлиси, айни дамда вилоят шифохонасининг тез тиббий ёрдам бўлимида кома ҳолатида (беҳуш) ётган жабрдийда қизни айбдор ҳисоблаб, ўзини оппоқ қилиб кўрсатишга уринди. Туман ички ишлар бўлими бошлиғи ўринбосари Нодир Туробов эса кўнглисиз ҳодиса бўйича туман прокуратураси ходимлари суриштирув ишларини олиб боришга тўғри келганини, ҳамма маълумотлар уларда эканлигини эслатишдан нарига ўтмади.

Холбуки, эндигина ба-лоғат ёшига тўлаётган З.А. ўқитувчиси ва ички ишлар ходимининг икки-уч кунлик босими остида қолгани туфайли ўз жонига қасд қилишгача борган. Назаримизда, бу мўҳиш ғожи сабаб тумандаги таълим ҳамда ҳуқуқ-тартибот тизимларида чуқур ислохотлар ўтказиш лозимлиги ҳам юзага қалқиб чиқди.

Фурсати келиб, биз ушбу мавзуга яна қайтаемиз. Ҳозирча эса кўрпа қавишга мўлжалланган катта нинани ютилган ва қон босимига салбий таъсир кўрсатувчи 70 тадан ортиқ таблеткани ичишга мажбур бўлган жабрдийда қиз бутунлай соғайиб кетишини Яратгандан сўраб қоламиз.

Нормурод МУСОМОВ «ISHONCH»

Бугун...

Мезбонлигига даъвогар



Ўн нафар полициячи жароҳатланган



Парижда пенсия ислохотига қарши норозилик намойишида зўравон намойишчилар билан тўқнашувда камдада ўн нафар полициячи жароланди. Бу ҳақда «Сnews» телеканали хабар берган.

Жабрланганлардан бирининг аҳволи оғир. Полиция тўқнашув иштирокчиларидан элликка яқинини ҳибсга олган.

Пайшанба куни бутун Франция бўйлаб иш ташлаш ва намойишларнинг ўн иккинчи

миллий куни бўлиб ўтди. Мамлакатнинг йирик шаҳарларида, шунингдек, пойтахтда оммавий намойишлар ўтказилди.

Намойишчилар ҳукуматнинг пенсия ёшини 62 дан 64 ёшгача кўтариш ва қатор махсус пенсия имтиёзларини рад этишни назарда тутувчи пенсия ислохотидан норозилик билдириб, уни бекор қилишни талаб қилмоқда.

Яна бир ракета синовдан ўтказилди

Шимолӣ Корей янги турдаги «Хвасон-18» («Хвасонпхо-18») қитъаларо баллистик ракетасини синовдан ўтказди. Бу ҳақда 14 апрель, жума куни Корей марказий телеграф агентлиги (КМТА, KCNA) хабар берди.

Унга кўра, КХДР етакчиси Ким Чен Иннинг шахсан ўзи синовни жойида назорат қилган.

Қайд этилишича, синов парвози атропофаги мамлакатлар хавфсизлигига ҳеч қандай салбий таъсир кўрсатмаган. Биринчи босқич Хамгён-Намдо провинциясида, иккинчи босқич Хамгён-Пукто провинциясида денгизга қулаган.



Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Сафар чоғи йўлчи-йўлдош ҳамроҳлар билан сўхбат қуриш чанқарган кишининг ногаҳонда учраган ирмоққа энгашиб, қониб сув ичишидек гап. Ўзига йўл очиб, тоғу тошлардан ўтиб, баҳри ўммонга интилаган ирмоқларнинг суви ҳамisha мусаффо бўлади. Аммо суви ичишга яроқли бўлмаганлари ҳам йўқ эмас. Сафар чоғи ҳам турфа ҳамроҳларга дуч келиб, уларнинг фаройиб ҳикоялари, дил изҳорларини тинглашга тўғри келади. Жим эшитиб бораверасиз. Яхшиси ёдингизда қолади, ёмони эса...



ҚАЙТИШ

«Ёзилмаган ҳикоялар» туркумидан

Яқин дўстим ўғлини уйлаётган эди. Бир ҳафта аввал телефон қилиб тайинланган. Болаликдан қадрдон дўстимиз, ўғлимни уйлаётганимда келиб, уч кун хизмат қилган. Бормасам бўлмас.

Водийга йўловчи ташийдиган машинанинг бир қисми темирйўл вокзали ёнида туради. Хайдовчи йигитлар шу қадар тажрибали бўлиб кетишганки, йўловчи узокдан кўриниши биланок, қайси томонга боришини фаҳмлаб, ўзлари ёнингизга келишади.

Бу гал ҳам шундай бўлди. Новча, истараси иссиқ, бошидаги дўпписи худди бутун кийилгандай ялтираб турган хайдовчи менга пешвоз чиқиб, «Кўзонга борасиз-а, мана, машина тайёр, ҳозир жўнаймиз, қаерга десангиз олиб бори кўяман», деди. У шундай илтифот билан гапирдики, қўшни вилоятга бораётган йўловчи ҳам «йўқ» дейишни ўзига эр қўрмайди.

Кўлимдаги юкимни машинанинг орқа ўриндиғига қўяётганимда, хайдовчи ёши қирқлар атрофидаги бир йигитни бошлаб келди. Икки киши бўлди. «Яна бир киши бўлса, жўнаймиз, орқада икки киши бемалол гаплашиб кетасизлар», деди Исмоилжон ака. У сўрашаётганимиздаёқ, «Кирахашлик қилмайман, бир юмуш билан Тошкентга келган эдим, бензин пули чиқса бўлди», деб ўзини таништирган эди.

Бошқа «клиент» келавермагач, «Йўлдан чиқиб қолар», дея хайдовчи машинани ўт олдириди. Йўловчи ҳамроҳим менга юзланиб, «Ака, ёйа бозорга беш минутга кириб ўтасиз, ул-бул олгандим, машинага ортамиз, илтимос-а», деб қолди. Бу гапдан шофернинг хабари бор экан, эътироз билдирмадим. Узоқ йўл учун беш минут вақт нима қилибди.

Тошкентда шунча яшаб, ёйма бозор нималигини билмаган эканман. Парижда Луврни томоша қилмоқчи бўлганимда, менга таржимонлик қилаётган голланд аёл: «Бу ердаги ҳамма экспонатларни кўрмоқчи бўлсангиз, камиди бир йил вақт керак бўлади», деган эди. Ёйма бозор Луврдан қолишмас экан. Бу ерда сотилаётган нарсаларни шунчаки санаш учун бир китобга етадиган қоғоз камлик қилади. Эски-туски нарсалардан тортиб замонавий техника воситаларигача! Биргина тоғора билан қозон, гули сидирлиб кетган патнис, бодом, ёнғоқчақич, майиз майдалагич, ўроқ, теша, згов, арраю болта, қопқоқли обдаста қанча жонни эгаллаган. Камиди қирқ хил миҳ. Занглаган, эгри-бугри, бир-икки марта ишлатилган, кейин суғуриб олиналганлари ҳам бор. «Шуларни ҳам олишадими?», деб сўрасам, сотувчи йигит менга ажабланиб қараб, «Бу миҳлар янгисидан мустаҳкам, камиди юз йил туради», дейди.

Бозор ичини оралаб, эҳтиёткорлик билан ичкарилаб бораямиз. Бир жойда машиналигидан асар ҳам қолмаган «Москвич»ни вангиллатиб аралашяпти. Сал нарироқда қаттакон қозонда шўрва қайнаб турибди. Миҳазлар мириқиб нонушта қилишмоқда.

Ниҳоят ҳамроҳим «ул-бул» олган жойга етиб келдик. У ҳайҳотдай темир бостиранинг ичига кириб кет-

ди-ю ҳаяллаб чиқди. Норғул бир йигит темир аравачага юклаб олиб чиққан эҳтиёт қисмларни машинанинг орқасига жойлади. «Машина шунча юкни кўтарсин-да, ишқилиб, бирор қор-қол юз берса, тўйдан кеч қоламан», деган фикр ўтди кўнглимдан.

«Роҳат» кўлининг айланасида аёл киши, ёнида уч яшарча қизчаси ҳам бор, машинага қўл кўтарди. Сал ўтиб тўхтадик. Борар манзили яқин экан, хайдовчи савдолашиб ўтирмади.

Ҳар қандай саёхат аввалига унча қовушмай туради. Кейин эса, йўлда нимадир юз беради-ю ҳамроҳлар гапга тушиб кетишади. Бу гал ҳам шундай бўлди. Катта йўлдан Оҳангаронга бурилганимизда, қизчанинг кўнгли айниди. Ўқчиб, устма-уст қайт қилди. Бундай пайтда ёнингиздаги ҳамроҳинг таниши, нотаниши – фарқи қолмайди. Бирор ёрдамнинг тегиб қолишини истайсан.

Машинани тўхтади, қизчани очиб ҳавога олиб чиқдик. Онаси юзини ювди, сув ичирди. Ўзига келгандай бўлди. Йўлга тушганимизда, ҳамроҳим ўзидан-ўзи гап бошлаб қолди.

«Ота-онам ўзига тўқ одамлар эди. Бир умр савдода ишлашган, қийинчилик нималигини билмай катта бўлганман. Иккалалари ҳар йили курортга бориб дам олишарди. Бизга эса бир чамадон совға олиб келишарди. Биринчи телевизор бизникида бўлган.

Дадам раҳматли кўли очик одам эди. Магазиндан насияга мол бераверарди. У пайтлари одамларда пул бўлмас эканми, кўпчилик насияга макарон, ёғ, гуруч олиб, дафтарга ёздириб қўйишарди. Мен кичкина қиз бўлсам-да, дадамнинг айтганларини чиройли қилиб дафтарга ёзиб борардим. Маҳалламизда ёки қариндош-уруғда бирор киши оламдан ўтса ё оғир касал бўлиб қолса, дадам ушча кишиникига магазиндан гуруч-ёғ жўнатарди. Мен тушунмай, «Дада, пулини ёзиб қўяйми», десам, «Ёзма, пули осмондан тушади», дер эдилар.

Қўшниларимиз ёмон одамлар эмасди, аммо ҳасадгўйлар ҳамма жойда топилди. Бир йили дадамнинг устидан юккарига қақув бўлиб, магазинни тафтишчилар босди. Бир ҳафта текшириб, анча-мунча қамомад топиди. «Фалончи рестарат қилибди», деган гап тарқалди. Бу сўз қўлоқларимизга худди «Фалончи фалончини ўлдириб қўйибди» дегандай эшитилгандай ўшанда. Дадам зир югуриб, уйдаги от, мол, қўй-эчкиларни сотиб, пулини топширдилар, онаминг тилла тақинчоқлари, дадам курортдан олиб келган гиламлар ҳам кетди. Аммо, барибир, дадамни қамаб қўйишди. Насия моллар ёзилган дафтари кўтариб, онам билан эшикма-эшик юрдик, биров берди, бошқа биров эса қўзимизга бақрайиб қараб, тонди.

Оиламиздаги кўруликлар шу воқеадан кейин бошланди. Иккита ўғил укам, мен онамизнинг қўлига қараб қолдик. Дадам роса уч йилу олти ой деганда келдилар, аввалги савлатларининг ярими ҳам қолмабди. Мен мактабни битирдим, пединститутга ўқийман кироқчи бўлдим. Онам «Қиз бола ўқиб қаерга ҳам борарди, жойинг чиқса, узатганимиз маъқул», дедилар, дадам бўлса: «Қизим, ўқийман десанг меннинг касбимга ўқи, бошқасини қўй», деб туриб олдилар. Савдо тўфайли бошимизга кулфат тушди, магазинчи бўлишни оира хоҳламасдим, аммо дадам гапларидан қайтадиган одам эмасдилар.

Ўша йилиёқ Тошкентга келиб, савдо техникумига кирдим. Ўқий олмасам керак, деб ўйлагандим, йўқ, аксинча, яхши баҳолар ола бошладим. Ёшлигимда кўрганларим фойда берди. Ўша йиллари «Фарҳод» бозоридан сал нарироқдаги чорраҳада, билсангиз керак, икки қаватли катта магазин бўларди. Ўша магазинга дарсдан кейин тажриба ортиришга келардик. Сотувчиликка шунчалар қизиқиб кетдикми, ўқийшни тугатиб, шу жойга ишга киришга қарор келдик. Дадам келиб, ишга жойлаб қўйдилар, магазинга яқин жойдан ижарага уй топиб бердилар. Мен, яна иккита талаба қиз икки хонали уйда яшай бошладик.

Биринчи мошимдан ота-онамга, укаларимга совға олдим. Мукофот пулига кийим-кечақларимни аягладим. Онам «Қизим, ўқийшинг битди, ишлайман десанг, магазин шу ерда ҳам бор, ишлайверсан, ўзимиз кўз-қулқ бўлиб тураемиз», деб қўсталанг қилдилар. Отам бўлса, «Қўй, онаси, йўлини тўзма, худо хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлади», деб меннинг ёнимни олдилар.

Тошкентга қайтиб келиб, ишимни давом эттирдим. Орадан бир йил ўтгач, мени катта сотувчиликка, сўнг товароведликка ўтказишди. Моашим яхши, бунинг устига, унча-мунча чой-чақа ҳам қолади, нолийдиган жойи йўқ, бинойидек ишлаб юрдим. Аммо...

Бир куни кечаси магазин мудири ижара уйимизга қўнғирок қилиб қолди. «Товар келиб қолди, сродно қараб қилиб олиш керак», деди ва кийинги пастга тушиб туришини тайинлади. Шоша-пиша пастга тушган, хайдовчи йигит кутиб турибди. Магазинга келиб, товарни ким-ким қила бошладик. Охирида «Хаммаси тўғри, қабул қилиб олдим», деб бир-иккита қоғозга қўл қўйиб бердим. Эҳ, ўшанда гулдай умримни ўзим хазон қилганимни билмаган эканман...

Қизча тинчиб, ухлаб келаётган эди, аммо довонга кўтарила бошлаганимизда яна ўқий бошлади. Хайдовчида малол келди шекилли, машинани истар-истамас тўхтади. Пастга тушдик. Ажойиб манзара. Тоғ ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олдик. «Баклажка»ларимизни сувга тўлдириб, йўлда давом этдик.

«...орадан йигирма кун ўтиб, магазинга комиссия келди. Омборни текшириб... э худо, жуда катта қамомад топиди. Бир машина товар ким-чимиз дафтарида бор, аммо омборда йўқ. Жоним бўғзимга келди. Ҳужжатда меннинг қўлим турибди. Бошимга дадамнинг қисмати тушадигандай, дағ-дағ титрайман, овозим чиқмайди. Комиссия бошига қўлимга бир варақ қоғоз бериб, нима бўлганини бизга ёзиб беринг, кўрқманг», дейди. Нимани ёзаман, нимадан кўрқшим керак, билмайман. Хуллас, менга уч кун муҳлат беришди. Шу уч кунда бир машина товарни жойига қўйишим керак экан...

Кечкурун шўппайиб, гуноҳкордай бўйнимни эгиб, магазин мудирининг олдига кирдим. У аввалига: «Нима қилиб қўйдинг, мана энди сен ҳам, мен ҳам қамаламиз, умримиз турмада ўтади», деб роса бақирди. Мен унга: «Менда гуноҳ йўқ, буни ўзингиз ҳам биласиз, нега энди қамалар эканман?», десам, баттар бобиллаб кетди: «Бир машина товарни эзнангникига бориб қўйдингми, қанжик, сени деб мен хонавайрон бўлайми, қамалиб кетсам, бола-чақамни ким боқади?...»

Шундагина нима иш қилиб қўйганимни тушундим, бир иложини қилинг, қамалиб кетмай, деб мурдирга ялиниб-ёлвордим.

Хуллас, мудири «иложи»ни топди – мен ўша кунийёқ унинг диллушига айландим. Йиллар ўтиб, бунинг ҳаммаси аввалдан режалаштирилган «операция» эканини тушундим, аммо дод-вой қилишдан нима фойда?!

Тошкентга қайтиб келиб, ишимни давом эттирдим. Орадан бир йил ўтгач, мени катта сотувчиликка, сўнг товароведликка ўтказишди. Моашим яхши, бунинг устига, унча-мунча чой-чақа ҳам қолади, нолийдиган жойи йўқ, бинойидек ишлаб юрдим. Аммо...

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
ISSN 2010-5803
2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Dovepie» gazetalarini tahrir hay'ati:
Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOVI,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfulla AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G' OYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV
(Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),
Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Dovepie»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi –
(+998-97) 506-86-98
Andijon viloyati –
(+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati –
(+998-91) 406-43-24
Jizzax viloyati –
(+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati –
(+998-99) 889-98-02
Navoiy viloyati –
(+998-99) 889-90-28
Samarqand viloyati –
(+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati –
(+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati –
(+998-99) 889-90-32
Farg'ona viloyati –
(+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati –
(+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati –
(+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Fikr tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir:
S. Abdurahmonov

Musahhihlar:
D. Xudoyberganova,
D. Ravshanova

Sahifalovchi:
H. Abdullajilov

Bosishga topshirish vaqti – 18:20
Topshirildi – 18:40

Bahosi kelishilgan narxda

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Tahririyat hisobraqami:
2021 0000 0004 3052 7001,
ATIB «Ipoteka bank»
Yashnobod filiali,
bank kodi: 00959,
STIR: 201133889,
OKED: 58130

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonchning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma **G-413**
Nashr ko'rsatkichi: **133**

1 2 3 4 5 6
Umumiy adadi 31278
14505 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonalar manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.



Она қалдирғоч «қилмиши»

Ниҳоят, ўтган йили улар қайтишди. Дарвозахона деворига уя қуришди. Бундан кўнглим тоғдек кўтарилди.

Иссиқ кунларнинг бирида ота-онасининг тумшуғидаги егуликка бўйин қўзаётган полапонларга кўзим тушди. Қушчаларга қараб, баҳри дилим очилди. Маълум вақтдан сўнг полапонлар қанотларини қоқадиган бўлиб қолишди.

Бир куни улардан биттиси қанотларини қоқиб, уядан тушиб кетди. Буни кўрган фарзандим уни уясига жойлаб қўйди. Минг афсуски, у яна пастга тушиб кетиб, нобуд бўлди. Мен қушча лат еган экан-да, деб ўйладим. Эртаси куни иккинчиси ҳам ерга тушди-ю, қайтиб кўтарила олмади. Уни ҳам ўғлим жойига қўйди. Лекин у ҳам биринчисининг ҳолатига тушди. Кейин учинчиси ҳам қанотларини қоқиб, бошқалари қатори ерга тушди. Уни ҳам уяга олиб қўйдик ва кузатдик. Бир маҳал ғалати ҳодиса содир бўлди: она қалдирғоч полапонни ерга тушириб юборди. Бу қандай тушунди бўлмас ҳолат?

Демак, қолганлари ҳам ерга тушиб, лат ега-

Синоат

Метин иродали буюқлар

Рассом Леонардо да Винчининг ўнг томони ишлаган ва шу сабабли у ўз асарларини чап қўлида чизган.

Композитор Людвиг ван Бетховеннинг қулоғи кар бўлишига қарамай дунёга машҳур асарлар яратган.

Саёхатчи Рик Хансен дунёни ноziронлик аравачасида айланиб чиққан.

Альберт Эйнштейн ажойиб ғижжакчи бўлган.

Тўлқин ҚОЗОҚБОВ тўплади.

Раяно МАХКАМОВА «ISHONCH»

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ректорати ва касоба уюшма қўмитаси таълим муассасасининг Педагогика кафедраси собик профессори

Ойшахон Тўраева вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардик изҳор этади.

Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касоба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси тармоқ ходимлари касоба уюшмасининг Қашқадарё вилояти бирлашган қўмитаси раиси Илҳом Омонова укаси

Адхам Омонов вафот этгани муносабати билан таъзия билдиради.